

Ийд намозининг вақти қуёш кўтарилилгандан то заволгача | Фиқҳ дарслари (259-дарс)



19:00 / 07.12.2023 2301

Боши 258-дарсада

Сўнгра намозгоҳга чиқади.

نَعْ سَنَأْنْبَرْيَمُعْ يَبَأْنَعْ
نَمْ نَعْ هَلَلَا يَضَرُّهَلَمْ وَمُعْ
يَلَصَهَلَلَلُوْسَرِبَأْخَصَأْ
أَبْكَرَنَأْ مَلَسَوْهَلَعُهَلَلَا
هَلَلَا يَلَصَيَبَنَلَا يَلِإِ اوْءَاجَ
مَلَسَيَهَلَعُهَنَأْنَوْدَشَيَهَلَعُ

مُهَرْمَأْفِسْمَالِابَلَلْأَوْأَرْ
نَأْ اُوْحَبْصَأْذَأْوَ، اُورْطْفُيْنَأْ
وُبَأْهَأْوَرْمُالَصُمَىلِإِاُودْعَي
دَمْحَأْوَيْئَسْنَلَأْوَدُوَادْ.

Абу Умайр ибн Анасдан, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлмиш амакиси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир гуруҳ отлиқ кишилар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, кеча ҳилолни кўрганлари ҳақида гувоҳлик бердилар. Бас, у зот одамларга оғизларини очишни ва эрталаб намозгоҳга боришни амр қилдилар».

Абу Довуд, Насойй ва Аҳмад ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва рошид халифалар ийд намозларини намозгоҳда ўқиганлари ҳақида ривоятлар кўп. Оддий масжидда ўқиса ҳам бўлаверади.

Намозгоҳда ийд намозидан олдин нафл ўқимайди.

Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

لَلِيَضْرِسْأَبَعْنْبَارَنْعُ
لَلِإِلَصْيَبْنَلَأَنْعُ
مَوْيَجَخَمَسَوْيَلَعْ

مَلْنِيَتْغُلَرِيْلَصَفِرْطِفْلَا
هَوَرِهَوَلَدَعَبَلَوَلَبَقَلَصِي
سَمْخَلَا.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Фитр куни чиқиб, икки ракъат (иид) намоз ўқидилар. Улардан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимадилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Иид намозининг вожиблик ва адо этиш шартлари худди жуманинг шартлари кабидир. Фақат хутба бундан мустасно.

Хутба жуманинг адо қилиниши учун шартдир. Икки ийдда бу шарт йўқ. Шунинг учун ҳам ийднинг хутбаси намоздан кейин бўлади.

لَلِيَضَرِرَمْعَنْبَانَع
لَلِلِوُسَرَنَالْلَاقْأَمْنَع
مَلَسَوْهِيَلَعْلَلِلِيَلَص
لَلِيَضَرِرَمْعَوْرَكَبْوَبَأَو
نِيَدِيَعْلَانَوْلَصِيْأَمْنَع
بَطْخَلِلِلْبَقْ.

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо икки ийд намозини хутбадан олдин ўқир эдилар».

Ийд намозининг вақти қуёш кўтарилигандан то заволгача.

Ийд намозини қуёш бир ёки икки найза бўйи кўтарилигандан кейин ўқиса бўлади. Қуёш чиқаётган вақтда намоз ўқиш ман қилинган.

يَضَرْرُسُبْنْبِهِلِلِدْبَعْنَعْ
اَنْعَرَفْاَنْكَهِلَاقُونْعُهِلِلِ
نِيَحَكِلَذَوَهَعْأَسِلِهِدَهِ يِفْ
يَرَاخُبْلِهِأَوْرِحِيَبْسَتِلِ
دْبَعَجَرَخْهُطْفَلَوَدُواَدُوبَأَوْ
لُوسَرُبْحَاصَرْسُبْنْبِهِلِلِ
هَيَلَعْهِلِلِهِلَصِهِلِلِ
مُؤْيِي فِسَانِلِعَمَمِلَسَوْ
مَأْمِإِلِعَاطِبِإِرْكُنْأَفِدِيَعْ
اَنْعَرَفْاَنْكَهِلَاقَفْ

نِيْحَكْلَدَوْهَذَهْ آنَتَعَاؤْسَ حِيْبُسْتَلَا

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Биз бу вақтда фориғ бўлган бўлар эдик», деди. Бу тасбех вақтида эди».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Абдуллоҳ ибн Буср – Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобалари – одамлар билан ийд куни чиқди ва имомнинг кеч қолганини инкор қилиб:

«Бу соатда биз (намоздан) фориғ бўлган бўлар эдик», деди. Ўшандаги тасбех вақти эди», дейилган.

Уламолар, ушбу ривоятдаги «тасбех вақти»дан мурод чошгоҳ намози вақти, деганлар. Бундан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида ийд намози чошгоҳдан олдин ўқиб бўлингани келиб чиқади.

Ийд намозини заволдан кейин ўқиб бўлмаслигига қуйидаги ривоят далилдир:

نَعْ مُؤْمِنْ بِرِّيْمُعْ يَبَأْ نَعْ
نَعْ مُؤْمِنْ بِرِّيْمُعْ لَهُ مُؤْمِنْ
يَلَصِّلَ لَلَّوْسَرِ بَأْخَصَّ
أَبْلَرْنَأْ مَلَسَ وَهَيَلَعْ لَلَّا

هُلْلٰا يَلْصَبْنَلَا إِلَّا اُوْءَاج
مُهْنَأْن وُدْشَيْ مَلَسَوْ يَلْعَ
مُرَمَّأْفِ سَمْمَلَابَلَلْهَلَا اُوْأَر
نَأْ اُوْحَبْصَأْذَإِو، اُرْطَفْيَنَأْ
وُبَأْهَأَورْ مُهْلَصْمَلِإِ اُوْدَعَي
دَمْحَأْوَيَئَسْنَلَا وَدُوَار.

Абу Умайр ибн Анасадан, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлмиш амакиси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир гуруҳ отлиқ кишилар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, кеча ҳилолни кўрганлари ҳақида гувоҳлик бердилар. Бас, у зот одамларга оғизларини очишни ва эрталаб намозгоҳга боришни амр қилдилар».

Абу Довуд, Насойй ва Аҳмад ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда эса «Заволдан кейин келдилар», дейилган. Шунинг учун «Заволдан кейин гувоҳлик берилса, ийд намози эртаси кунга қолдирилади», дейилган. Ушбу ҳадисга ҳамма мазҳаблар бир хил амал қилишади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли холосаси асосида чоп этилган.